

# ЎЗБЕКИСТОН СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА ГЕОЭКОЛОГИК ВАЗИЯТИ

Файзуллаев Мақсуд Абдуллаевич

Қарши давлат университети География кафедраси доценти, г.ф.ф.д.

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий йўналишларидан бири ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ташкил қилади. Шу сабабдан ушбу ишда асосий эътибор Ўзбекистон суғориладиган ерларининг мелиорация инфратузилмасига қаратилган.

**Калит сўзлар:** Суғориладиган ерлар, қишлоқ хўжалиги экинлари, ҳосилдорлик, шўрланган ерлар, мелиорация инфратузилмаси, мелиоратив география.

## MELIORATIVE STATUS AND GEOECOLOGICAL SITUATION OF UZBEKISTAN IRRIGATED LANDS

Faizullaev Maqsud Abdullaevich

Karshi State University, Associate Professor of Geography Department, PhD.

**Annotation:** land improvement is one of the key areas of agricultural policy of the Republic of Uzbekistan. In this regard, the work focuses on the creation of infrastructure in the reclamation of irrigated lands of southern Uzbekistan.

**Keywords:** irrigated lands, crops, yield, saline land reclamation infrastructure, reclamation geography, government programs.

**Кириш.** Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши, унинг иқтисодий самарадорлигини муттасил ошиб боришида мелиоратив тадбирларнинг аҳамияти катта. Бу борада мажмуали географик фан ҳисобланган мелиоратив географиянинг ҳам ўз ўрни бор. Ушбу фан мавжуд табиий шароитни қишлоқ хўжалиги мақсадида жиддий яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг жойланиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Айни вақтда мелиоратив географияни амалий географиянинг ҳам муҳим бир йўналиши сифатида эътироф этиш мумкин.

**Асосий қисм.** Республика қишлоқ хўжалиги ихтисослашувида ўзига хос мавқега эга бўлган Жанубий Ўзбекистонда (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) мамлакат суғориладиган ерларининг 20 фоизи мавжуд. 2022йилда Жанубий Ўзбекистон республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 17,0 фоизини берган, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 8,3, Қашқадарё вилоятида 8,7 фоизни ташкил этди. Минтақа ялпи ички маҳсулотининг деярли 30 фоизи (2022 й.) қишлоқ хўжалигида яратилмоқда. Бу Сурхондарё вилоятида 38,0, Қашқадарёда эса 19,4 фоизга баробардир. Таъкидлаш лозимки, қуруқ иқлим муҳитида жойлашган Ўзбекистон

шароитида, яъни табиий буғланиш юқори бўлган вазиятда ер ости шўр сувларининг интенсив буғланиши тупроқда тузлар тўпланиб, ерларнинг шўрланишига олиб келади. Бунда, айниқса, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор ҳолатда сақлаш катта аҳамият касб этади. Чунки, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора-тадбирлар кўрмасдан туриб экинлардан юқори ҳосил олиб бўлмайди.

Минтақада ўзлаштириш жараёнида суғориладиган ерларда мелиоратив объектлар: коллектор-дренаж ва юза ташлама сувларни тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган, коллектор ва коллектор-дренаж тармоғини (иншоотлар билан бирга), вертикал дренаж қудуқлари, мелиоратив насос станциялари ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари *инфратузилмаси* шакллантирилди. Жанубий Ўзбекистонда умумий узунлиги 24,9 минг км коллектор-дренаж тармоқлари барпо этилган.

Жанубий Ўзбекистонда коллектор-дренаж тармоқлари икки, яъни очик (13,9 минг км) ва ёпиқ-ётиқ дренаж (11,0 минг км) тизимда барпо этилган, бунда очик коллектор-дренажнинг ҳиссаси каттароқ (55,8 %), яъни жами минтақа коллектор-дренаж тармоқларининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Мавжуд коллектор-дренаж тармоқларининг 41,3 фоизи Сурхондарё (10,3 минг км), 58,7 фоизи Қашқадарё вилоятига (14,7 минг км) тўғри келади. Сурхондарё вилоятида бу тармоқларнинг 84,0 фоизи (8,7 минг км), Қашқадарё вилоятида эса 82,0 фоизи (12,0 минг км) текислик ёки Қуйи минтақа туманларига тегишлидир. Қуйи Сурхондарё коллектор-дренаж тармоқларининг 4/5 қисми Музработ (28,8 %), Шеробод (27,3 %) ва Қизирик (25,1) туманларига, Қуйи Қашқадарёда эса унинг ярмидан кўпроғи икки туман – Косон (29,0 %) ва Нишон (25,2 %) туманларида ташкил этилган.

Суғориладиган ерларни сифат жиҳатидан тавсифловчи кўрсаткичларидан бири унинг *шўрланганлик даражаси* ҳисобланади. Республика маъмурий ҳудудларида, хусусан, Қорақалпоғистон

Республикасида суғориладиган ерларнинг шўрланганлик даражаси 79,0 фоизни, Сирдарё вилоятида 97,3, Бухорода 90,2, Навоий вилоятида 87,3, Жиззах вилоятида 85,4 фоизга тенг эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, Жанубий Ўзбекистон вилоятларида бу кўрсаткич ўртача 60 фоизга баробардир. Бинобарин, минтақа мамлакатда суғорилган ерларнинг шўрланганлик даражаси бўйича ўртача даражадаги гуруҳга мансубдир.

2022 йил ҳолатида Жанубий Ўзбекистонда суғориладиган майдон 841,2 минг гектар, унинг 60 фоизи (506,3 минг гектар) шўрланмаган ер ҳисобланади. Шўрланган ерлар 334,9 минг гектарни ташкил этиб, шундан 73,5 фоизи кучсиз шўрланган, 22,5 фоизи ўртача, 4,0 фоизи кучли шўрланган ерлардир (расм). Минтақа вилоятларида тупроқнинг шўрланиш даражаси ўзига хос бўлиб, жумладан, Сурхондарё вилоятида суғориладиган ерлар 325,7 минг гектар, шўрланмаган майдон 69,2 фоиз (225,3 минг га), шўрланган майдон 30,8 фоизга (100,4 минг га) тенг. Шўрланган ерларнинг 68,8 фоизи кучсиз, 30,3 фоизи ўртача, 0,9 фоизи кучли шўрланган. Вилоят туманларидан Қизирик, Музработ ва Шеробод туманларида шўрланган ерлар майдони катта бўлиб, жами вилоят шўрланган ерларининг 82,2 фоизи ушбу туманларга тўғри келади. Қашқадарё вилоятида эса суғориладиган ерлар 515,5 минг гектарга тенг, шундан 54,5 фоизи (281,0 минг га) шўрланмаган. Шўрланган майдон 234,5 минг гектар, унинг 75,5 фоизи кучсиз, 19,3 фоизи ўртача, 5,2 фоизи кучли шўрланган ерлардир. Вилоятнинг Косон, Миришкор, Нишон, Муборак, Касби ва Қарши туманларида шўрланган ерлар майдони вилоят жами шўрланган ерларининг 80,0 фоизини ташкил қилади.

Кўришиб турибдики, Қашқадарё вилоятида суғориладиган ерларда шўрланган майдонларнинг улуши катта. Бунга суғориладиган ерлар салмоғининг катталиги, рельефнинг текислиги, қияликнинг камлиги, ортиқча сувларнинг чиқиб кетиш тезлигининг жуда пастлиги, сизот сувларининг яқинлиги, тупроқнинг турли омиллар таъсирида шўрланганлиги ҳамда сизот сувларининг шўрланганлик даражаси асосий сабаб бўлади. Бу эса, ўз

навбатиди, кишлок хўжалик экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

**Хулоса.** Республикада ер-сув ресурсларидан кишлок хўжалигида фойдаланиш асосида юзага келган ўзига хос геоэкологик муаммолар – суғориш тизимларининг ишдан чиққанлиги, тупроқларнинг турли даражада шўрланганлиги, суғориладиган сувнинг минерализация даражасининг юқорилиги, ер ости сув сатҳининг кўтарилиши, тупроқ эрозияси ва дефляция (шамол эрозияси)нинг кучайиши кабиларнинг вужудга келиши кишлок хўжалигини модернизация қилиш шароитида бундай муаммоларни бартараф этиш учун амалий дастурларни ишлаб чиқиш долзарблигини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, паст сифатли ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мавжуд коллектор-дренаж тармоқларини мунтазам тозалашни жорий қилиш, кишлок хўжалиги экинлари таркибини илмий асосланган ҳолда ҳудудий ташкил этиш, алмашлаб экиш тизимини тўлиқ жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалигига сарфланаётган маблағларни биринчи навбатда мавжуд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтириш билан бирга, кишлок хўжалигига ажратилаётган мақсадли маблағларнинг ўзлаштириш самарасини ошириш учун унумли суғориладиган ерларни ноқишлоқ хўжалиги фаолияти учун ажратишга барҳам бериш лозим. Бу эса келажакда республика кишлок ерларининг умумий сифатини яхшиланишига ва бу борада олиб бориладиган агроиқтисодий сиёсат самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. – Т: Fan va technologya, 2014. – 340 б.
2. Салиев А.А., Файзуллаев М.А. Социально-экономическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. – Социально-экономическая география: Вестник ассоциации Российских географов-обществоведов. №2. Ростов-на-Дону, 2013. – 131-143 с.
3. Салиев А.А., Файзуллаев М.А. Формирование природно-хозяйственных систем Каршинской степи. – Проблемы освоение пустынь. №1-2. Ашхабад, 2010 г. – 10-13 с.
4. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Тошкент: Камалак, 2013. – 184 б.
5. Файзуллаев М.А. *Историко-географические аспекты освоения новых земель сельскохозяйственного назначения (на примере Узбекистана)*. - Электронное научно-практическое периодическое издание. Экономика и социум. №3 (94), 2022. – 908-914 с.

6. Файзуллаев М.А. Қишлоқ хўжалигини иқтисодий географик жиҳатдан районлаштириш масалалари.- Central asian research journal for interdisciplinary studies (carjis). Volume 2 | issue 1 | 2022. – P. 328-333
7. Хрушев Н.Т. Избранные труды. – Смоленск: Ойкумена, 2001. – 320 с.
8. Navotova D.I. Theoretical and methodological aspects of resources of land resources in agriculture. - Academia: An International Multidisciplinary Research Journal. November, 2022. – P. 40-44
9. Faizullaev M.A. Characteristics of agriculture in Uzbekistan in the years of independence. - European science review. №3-4. Austriya, 2015. – P. 67-69